



Рус дипломатияси Тошкентни истило килгунга қадар, аввал Хива хонлиги, кейин Қўқон хонлиги билан бўлган ҳисоб-китобларида Бухоронинг иложи борица бетараф бўлишига ҳаракат қилди ва бунга муваффақ бўлди ҳам. Фақат Россиянинг Хиндистонга яқинлашмоқ учун бу давлатни босиб олиш мақсади очик қолди. Яъни илк фурсатда Бухоро ҳокимиятига зарба бериш хусусидаги вазифа фақат бироз орқага сурилди. Россия Бухорога савдо соҳасидаги шерик сифатида қарарди. Чунки Бухоро хомашёга бой эди. 1839 йили Россияга Бухородан 2 513 912, 1840 йили 3 283 654 сўмлик мол чиқарилди (Хаников, Описание, 171-6.). Айтилганда Қобул, Қашмир ва Хиротга жўнатилган рус товарлари Бухоро орқали ўтар эди. Яна 1846 йилда Петербургда сиёсий нуқтаи назардан Бухоро Россия учун таҳликали деган фикр ҳукмрон эди (Халфин. Присоединение., 171-6.). Фақат Тошкентни босиб олгандан кейингина Россия ўзининг Бухоро бўйича олиб бориладиган сиёсатини тамоман ўзгартирди. 1865 йил 25 июнда амир Музаффар Черняевга ёзган мактубида руслардан Тошкентдаги аскарларини олиб чиқиб кетишни талаб этди. Музаффар 10 июнда Искандарбекни ҳатто Тошкент ҳокими қилиб тайинлади, лекин уруш ҳамон давом этаётганлиги учун бу зот Тошкентда бирор иш қила олмади. Черняев Тошкент оқ подшо амири билан босиб олинганлигини ва фақат унинг амири билан шаҳарни тарқ этажагини билдирди. Амир Хўжандни фатх этишни буюрди ва Тошкентга юриш ўрнига Қўқонга бурилди. Бу тарихий ҳато эди, чунки Тошкентга даъвогар бўлган Бухоро русларга қарши юриши мумкин эди. Руслар Тошкент учун бўлган жанглардан сўнг шундай ҳорғин ҳолга келгандиларки, яна бир жангни ҳаёлига ҳам келтира олмадилар 1865 йил июлида амир Нажмиддинхўжани Петербургга элчи қилиб жўнатди, аммо бу элчи фақат Қазалинскка етиб борди ва у ерда ушланди. Шу сабабли Нажмиддин диплома-тик қоидалар бузилмаслиги лозимлиги ҳақида

элчилик номидан шикоят килиш учун Мулла Фатхиддинни Петербургга жўнатди. Элчи бу ерда қабул килинмади ва кичик бир маъмур томонидан элчининг Оренбург бош волисига - Крижановскийга мурожаат килиши лозимлиги билдирилди. Черняев Оренбург билан Тошкент орасида бўлган бухоролик савдогарларнинг ушланиши ва моллари мусодара килиниши хақида буйруқ берди. Бундай ҳаракатни Русия ташки ишлар нозири Горчаков «варварларча бир тадбир» деб изоҳлади(Халфин, Политика., 217-6.). У бундай муомала Бухоро билан Кўконнинг Русияга қарши бирлашишга олиб келишидан қурқарди. Осиё бўлими мудир Стрёмов Бухоро савдогарларига тазйикни тўхтатишни талаб қилди, чунки Бухородан рус савдогарлари соғ-саломат қайтаётган эдилар.

Амир 1865 йил июлида Имонхўжани Тошкентга - Черняевга жўнатди. Имонхўжа Нажмиддин бошчилигида Петербургга кетган элчиликнинг ушланишига норозилик билдирди. Ўзаро муносабатларнинг яхшиланиши ва Бухорога бир элчи юборилишини сўраб илтимос қилди. Бу орада Черняев кўл остидаги русларнинг бир томонлама ҳаракатлари сабабли ўзаро муносабатлар бузилди.

Руслар Бухоро чегарасида - Сирдарё атрофида ичкари қириш учун зўр бериб ҳаракат қилар эдилар. Бухоро бунга қараб тура олмас эди. Рус ва Бухоро қисмлари орасидаги дастлабки жанг 1865 йил сентябрида Чирчик ирмоғида бўлди. Бухоронинг бу туманидаги волиси Рустамбек жангда мағлуб бўлди. Аммо руслар ҳам шахдам илгарилашга журъат қила олмадилар. Фақат ПиСкентни ишғол қилдилар. Бу жанг сабаб ҳар икки давлат 1865 йил сентябридан эътиборан уруш ҳолатига қирди. 1865 йил октябрида Черняев Струва бошчи-лигидаги хайъатни Бухорога юборди. Бу хайъат фақат сиёсий музокаралар юритибгина қолмай, айна замон-да Бухоро хақида, ҳарбий ҳолати хақида маълумотлар тўплаши керак эди. Хайъат аъзоларининг барчаси офицерлар эди. Улар Самарқандда хибсга олинди(Казанцев., 172-6.; Халфин, «Присоединение» 216-бетга биноан элчи ва унинг шериклари қамолқа олинган.). Черняев 1865 йилнинг 7 декабрида Бухоро амиридан хайъатни озод қилишни талаб этди. Бухоро бу талабга жавоб бермади. Хайъатни қутқариш баҳонаси билан рус қисмлари 1865 йил 12 январда тўғри Чинозга юриш бошлади. Черняев 16 қисм, 6 казак юзлиги ва 16 тўп билан Сирдарёни қечиб, Жиззахни ишғол қилиш учун сафарга қикди. 1866 йил феввалида амирнинг қўшинлари бу босқинчиларни қонга ботириб, орқага қувиб юборди. Черняев қўшинларидан орқада қолганлари эса яна Сирдарёнинг ўнг қирғоғига қайтди. Шундан сўнг русларнинг уруш машинаси тухтаб туришда қавом этди. 1866 йил март ойидаги Жиззах қожароси туфайли Черняев ишдан бўшатиқди. Русларнинг ре-қаларини амалга ошириш Д.И. Романовскийга топширилди.

1866 йил майига қадар ҳар икки тараф орасида аҳён-аҳёнда қохиятсиз тўқнашувлар қавом этди. Руслар Бухорога қарши қуч тўпларди. 1866 йил 5 майда Бухоро қавоб юриши қилди. Руслар Ерқарга эришди. 7 майда икки душман қучлари юзма-юз қелди. 8 майда Русия билан Бухоро орасидаги урушнинг натиқасини белгилайдиган жанглар бошланди. Руслар агар Бухоро ҳар-бий қисмлари Ерқар жангида қолиб қикса, шу қунга Қадар босиб олган ерларини йўқотишларини яхши билгани қолда урушни бошладилар(Романовский, Заметки., 62-6.). Бухоро 5000 шахид бе-риб, жангда мағлуб бўлди(Романовский., Заметки., 213-6.; Қазанцев, 181-бетда Бухоро 1000 қишини йўқотганини билдиради.). Ерқарда бой берилган бу жангдан сўнг Бухоронинг қелажаги, ҳатто мақжудлиги тақлика остида қолди(Vambery, Geschichte. Bocharas, 208-6.: «Бухоро Туркистоннинг қуда қухим жанг майқони бўлган Ерқар жангида мағлубиятга учради. Бу билан Бухоро 1000 йиллик қавлат муқтақиллигини, эътиборини ва Марқазий

Осиёнинг бошқа миллатлари наздидаги обрў-эътиборини, шу билан бирга, исломнинг ички Осиёдаги нуфузини бой берди».).

Русларнинг Ержар зафаридан ок подшо нихоятда хурсанд бўлди. Бу жанг русларга Бухоро амирлиги ерларида бошқа янги зафарлар қозонишга туртки берди. Эски қораният - Хўжандни босиб олиш кун тартибига қўйилди. 1866 йил 20 ва 25 майларга қадар бу шахр учун кураш давом этди. Ўруслар қилиб келди. Бухоро жуда қўп микдорда аскарлар йўқотди(Казанцев, 195-бетга мувофиқ Бухоро 2000 дан ортиқ аскарини йўқотди: Романовский 213-бетга қўра 5000 аскарини, Макшеев, 246-бетга қўра, 2500 аскардан ажралди.) ва 24 майда шаҳарни тарқатишга мажбур бўлди. Амир Музаффар уруслар билан музокара йўлини ахтарди. У Крижановский билан сулҳ шартлари ҳақида қўришиш учун 1866 йил сентябр-рида Мирхамиддинни Хўжандга юборди.

Крижановский Бухоро амирлиги Қўқоннинг ички ишларига аралашидан воз кечишини, Қўқон хони Саид Султоннинг ўрусларга таслимини, уруш харажатини қоплаш учун 100000 тилла (олтин пул 400000 сўм) тўлашини ва бу шартларини 12-23 сентябрга қадар бажарилишини та-лаб қилди(Barthold, II, 1, 402-6.). Бу шартларга элчининг қорозилик қилдириши имқонсиз эди. Бир битимга қелинмади. 1899 йил сентябрида ўруслар Ўратепа, Жиззах ва Янгиқўргонни босиб олиш учун тайёргарликни қўчайтирдилар. 7 сентябрда Ўратепа қалъасини қўрқадилар, қудуффада 15000 дан ортиқ турқистонлик шахид бўлгандан сўнг 2 октабрда Ўратепани босиб олдилар(Романовский, 213-6.ҳақида ўрус тарихчиси: «Қалъа бир қон қораси қилига қелди» қейишқача қорди. Ўратепани ишқол қилган генерал Романовский 1866 йил 7 октабрда шуни қалъум қилади:

«Оллохнинг қордами билан қумид қиламизки, Бухоро учун алоқиди аҳамиятга эга бўлган бу қалъанинг қўлга қиритилиши Ўрта Осиёда Ўрусия салтанатининг муқтаҳамқаниши нуқтаи назаридан ва бу мамлақатда турли йўналишдаги сулҳдар тузилиши қорасида ҳам қуюқ аҳамияти қорди»(Романовский, 241-6. Anwar Khan, 113-бетга қиноан Ўратепа қалъасида 18 бек ва 10 000 қудуффақи қор эди. Бекларнинг 16 нафа-ри, қудуффақиларнинг 6000 нафари шахид бўлди.). Ўратепа урушидан сўнг рус-лар Янгиқўргон қалъасини ҳам осонқича қўлга қиритишди. Бу қалъанинг Бухоро қўмондони Афғонистондан қелган Искандархон қиёнат қилиб, ўт очмаслик ҳақида қуйруқ қериш билан қалъани босиб олишларини енгиллаштирди(Лўғруҳди Искандархон Афзалхоннинг Балхдаги генералларидан бири эди. 1864 йили июнида Афзалхоннинг ўғли Сардор Раҳмонхон Бухорога қочганида, уни ўзига қузатувчи қилиб олди ва ўшандан бошлаб Бухоро қўшинининг разведқасига (қўл қўшинига) бошқилик қилди. Қаранг: Khokand, 20-6. Куропаткин 8000 ақари билан Самарқандга қиришида ўзига Искандарбекни эргаштириб олди. Қаранг: Vambery, Geschichte Bocharas, 216-6. Искандархон Са-марқанд қудуффақисида русларга қаршилиқ қилишга қонелик қилди: Қиёсланг: Togan, Bugunkii Tiirkistan, 229-6. Искандархон русларнинг Турқистондаги қейинги босиб олиш қиёсатида муҳим қоръ йўнади. У рус қўшинининг алоқиди имтиёзларга эга бўлган генерали дара-жасига эришди. Терентьев, История, 413-бетга қўра Ўрта Осиёнинг энг яхши одамларидан бири эди». Қиёсланг: Barthold, II, 403-404-6.; Togan, 232-бетга қўра у 2000 афғон билан Бухоро қизматида эди. Barthold, II, 1, 403-б.га қаранг.). Уруш оқибати). Янгиқўргондан руслар 21 қучли бўлима, 5 та қазак юзлиги ва 16та тўп билан Жиззахни бостирдилар. Бу шаҳар ҳам 1966 йил 2 октабрида ишқол қилинди. Руслар 1868 йил март ойининг охиригача Бухоро ерида охириги жанг учун қозирландилар. Бухоро ҳам қудуффа тадбирларини қўрди. Амир сулҳ тузиш қорасини излади. 1867 йили майнинг бошларида ақлли ва уста музоқарачи, мухтор элчи Мирзабекни Оренбургга юборади. Элчи Оренбург

бош волисидан икки давлат орасидаги чегара Сирдарё бўйлаб ўтишини талаб килди.

Руслар бу таклифни рад этдилар.

Мирзабек Тошкентга кайтди ва 1868 йилнинг март ойигача шу ерда қолиб, фон Кауфман билан музокаралар олиб борди. Сулҳ учун қилинган барча ҳаракатлар зое кетди. Руслар бошқа ерларни босиб олиш мақсадида бўлганликлари сабабли сулҳ тузишни орқага сурардилар. 1868 йил 1 апрелда фон Кауфман қўлидаги 9700 рус аскарлари ва 412 тўп билан Самарқандга тўғри юра бошлади. Бундан бошқа қасалхоналарда 12000 аскар бор эди (Kuropatkin, Geschichte des Feldruges, 32-6; Von Vartenburg 51-бетга биноан уларнинг жами 11511 нафар бўлиб, 263 нафари офицер (субаи) эди. Anwar Khan, 102-бетига қўра, Россия Бухорога қарши 20 000 аскарини сафарбар қилган.). 1 майда Самарқанднинг Чўпонота маъкеида жанг бошланди. Бухороликлар бужангдахам мағлуб бўлди. Бу билан Самарқандни саклаб қолиш умиди узилди (Ўзбекистон тарихи. II. 95-6. Самарқанднинг жангсиз таслими, кейинги вақтда кўпгина нотўғри талқинларга йўл очди. Масалан, 1948, Akdes Nimet kurat, Rusya tarihi, Ankara 350-бетда шуни билдиради: «Кауфман 3500 аскарлари билан Туркистоннинг энг катта шаҳари - Самарқандни бир ҳафта билан қўлга киритди». Турк газетачиси Илхон Салжук газетасининг 1967 йил 2 февраль сониди шундай ёзувни эди: «1868 йили 3500 рус аскарлари 60000 кишилик Бухоро қўшини-ни енгиб, атиги 2 нафар ўлган ва 38 ярадор ҳисобига Туркистоннинг юраги бўлган Самарқанд шаҳрини қўлга киритди». Шунга эътибор бериш керакки, ҳар икки томондан жанг қатнашчиларининг миқдори ҳақидаги маълумот нотўғридир. Бухоро амира Россия босқини даврида 4500 мунтазам аскар ва 30 кўнгилли миришадан иборат қўшинга эга эди. Киёсланг: Khokand, 20-6; Романовский: 213-бетда амирнинг 100 000 кишилик қўшини ҳақида маълумот берилади, бу гирт ёлгондир.). Руслар жанг суръатини кучайтирди ва Бухоронинг мағлубиятидан фойдаландилар. 1868 йил 2 майда руслар Са-марқандни босиб олдилар. Қиска жанглардан сўнг (14-17 май) 18 майда Каттакўргонни ишғол қилишди. Каттакўргон учун бўлган жангда икки душман қучларнинг бир-бирига зид қарашлари бор эди (Асли Сибирь қазаги бўлиб, мусулмонликни қабул қилган Бухоро қўшини қўмондони Усмоннинг Каттакўргон мудофааси даврида берган буйруғида шундай дейилади: «Биз Темурнинг набираларимиз. Мусулмонлар ватани ва дини учун қандай жанг қилишларини қўрсатамиз». Руслар эса шундай шioriни ўртага ташлаганди: «Олдимиздаги жанг 300 йилдан бери давом этиб келаётган буюк Петр тарафидан ўртага ташланган ҳисоб-китобга яқун ясайди». Қаранг: 153-6.). Бу ер сўнгги бир жанг учун муҳим маъке эди. Бу маъкени қўлда саклаган томон зафар қучиши мумкин эди. Амир Чўпонотадаги жангдан сўнг қўшинининг урушиш қобилятини жонлантиришга қиришган эди. 2 июнда Зирабулоқдаги уруш ҳам Бухоро қонли мағлубиятга учраган бир жанг бўлди (Kuropatkin, Geschichte des Feldruges, 32-6: «Жангда мунтазам пиеда қўшинининг катта бир қисми Зирабулоқ тепалиғида талафот қўрди, жанг майдонини янги «қизил қийим» қийган жасадлар қўплаб ўлди»). Бухоронинг енгилиши, айниқса, Ержар жанги ва Самарқанднинг қўлдан чиқарилиши беқлар, дин ар-боблари ва халқ оммаси турли табақаларининг амирга қарши норозилигини тугдирди (Ержар жангидан сўнг беқлар, шайхлар, дарвешлар, савдогарлар, санъаткорлар ва тиланчиларнинг барчаси то қўл билан бўғишгунча бўлса ҳам қурашни давом эттириш учун бирлашдилар. Амир ўз фуқаросининг ишончини йўқотган эди. Киёсланг: Vambery, Geschichte. Bocharas 213-214-бетлар.). Шаҳрисабз беги Жўрабек ва Китоб беги Бобобек Самарқандни қайтариб олиш ташаббусини ўз қўлларига олдилар. Бу ҳаракатга амирнинг ўғли Абдулмалик (бошқа оти Катта Тўра) ҳам қўшилди.

Амир 1868 йил майида қандай шарт билан бўлса ҳам сулҳ тузиш учун астойдил киришди. Русларнинг сулҳ шартлари жуда огир эди. Туркистон бош волиси фон Кауфман Бухоро 8 йил давомида 1 500 000 тилла (14 600 000 сўм) товон тўласа, Самарканд мустасно, Каттакўргондан Янгикўргонгача бўлган ўлкалар Бухорога қайтарилишини ёки ишғол қилинган барча ўлкалар рус мулки эканлигини Бухоро тан олса, 125 000 тилла товон тўлаши кераклигини талаб қилди (Barthold, II. 1, 404-406-бет.). Жуда огир уруш харажати туфайли Бухоро хонлигининг хазинаси бўшаб қолганди. Нихоят, 1868 йил майида Бухоро сулҳ ахдномаси тузилди. Урушни давом эттиришга ҳаракат ва қарор қилган ҳамда Қарши шаҳарини ўз ҳаракатларининг таянч нуқтаси қилиб танлаган Жўрабек, Бобобек, шахзода Абдулмалик, Ҳакимбек (Шахрисабз атрофи ҳукмдорларидан бири) ва Султон Содик (Туркистон ва Тошкентнинг машҳур мудофаачиси) каби йўлбошчилар атрофига 40 000 кўнгилли тўплаб, 1868 йил 14 июнда Самаркандга юриш бошладилар ва русларни Самарканддан улоқтириб ташлашга интилдилар. Бу буюк ҳаракатга Самарканд аҳолиси ҳам қўшилди. Руслар қалъани мудофаа қилди ва 14-15 июнда тахминан 150 қурбон берди. Рус гарнизони 4 бўлинма, 95 истехкомчи, 25 казак бўлинмаси ва 8 тўпдан иборат эди. Жанг сўнгида фақат 36 рус аскарлари тирик қолди (Кураш жараёни ҳақида батафсил маълумот учун қarang: Abaza, 152-160-б. Abaza, 161 бетда ўрусларнинг Самарканддаги ҳарбий қучи 9 тобур (полк)дан иборат деб ёзади.). Туркистон бош волиси фон Кауфман Бухоро шахрига кириш ниятида эди. Серпулдаги жангга энди тугатган-да, 4000 аскарлари билан Самаркандга юришга мажбур бўлди. У асосий қисми таёқ, пичок ва темир қувуқлар билан қуролланган халқ тўдасига 16 июнда орқадан ўт очиш буйруғини берди. Бу сафар амир русларнинг иттифокчиси бўлди. Агар Абдулмалик Самаркандда зафар қучса, ўзининг тахтдан тушиши қўркуви билан амир ҳокимиятини асраш ҳаракатига тушди. Энди амир ўз ўғлига қарши юриш қилди. Дастлабки тўқнашув Чи-рокчида бўлди. Русларнинг муҳолифлари Султон Содик Абдулмаликни ва Самаркандни қўллаб-қувватлаш учун Нурота тоғларидан амирга қарши юрди. Амир қорасиз бир ҳолатда эканлигини қўриб, Қарманага чекинди. Ўғли Абдулмалик салтанатига моне бўлиш учун амир шахзодага қарши мустанкил равишда қурашишга қарши атрофидаги ҳукмдорлардан Мўминбек тўқсобега мурожаат қилди. Мўмин Самарканд мудофаачилари йўлбошчиларига бир мактуб йўллаб, амир руслар билан ярашгани ва бўлинма бошлиғи Усмон руслар билан бирга қатта тўрани (Абдулмалик) жазолаш мақсадида Шахрисабзга жўнатилганини маълум қилди. Шахрисабзга ҳимоя қилиш учун шахзода ўз қўшини билан Самарканд атрофидаги Дарган ўрдагоҳини тарқ қилди. Нихоят, руслар Самаркандга ҳужум бошлади. Шахзода Шахрисабзга етиб қелгунча, Мўмин юборган хат ёлгон эканлиги ва у бир тузук сифатида битилганлиги маълум бўлди (Samī 90-91-б.). Бу орада руслар қўзғолончиларни тор-мор қилди ва 1868 йил 20 июнда Самаркандни қайта босиб олдилар. Интиком хирсига берилган руслар Самарканд «шаҳрини қул ҳолига қелтиришди: халқнинг мол-мулкини уч кун муддат давомида талон-торож қилишга рухсат беришди» (Kuropatkin, Geschichte. des Fuldruges, 38-б.).

1868 йил 23 июнда амирлик билан Туркистон бош волилиги ўртасида тинчлик битими имзоланди. Бу шартнома бўйича, амир Хўжанд, Ўратепа ва Жиззах шаҳарларини русларга бўшатиб беради, уруш товони сифатида 500000 тилла тўлайди ва Каттакўргоннинг Гарбигача бўлган чегарани эътироф қилади. Руслар эса уруш товони тўлаб бўлингунча, Самарканд ва Каттакўргонни амирга вақтинча қайтаради. Амир талаб қилинган уруш товонини 1870 йилгача итоаткорлик билан бажариб қелган бўлса-да, руслар зикр этилган шаҳарларни амирликка қайтармадилар. Амир 1870 октябрида ўша

шахарларнинг кайтарилиши масаласини кўриб чиқиш учун Петербургга бир хайъат юборди, лекин бу хайъат қабул қилинмади (Olzscha-Cleinow, Turkestan, 75-6.). Тинчлик шартно-масига ҳилоф ҳолда руслар Бухоро амирлиги ерларида ҳарбий ҳаракатларни тўхтатмади. Амирга ёрдам бериш баҳонасида Абдумаликка қарши жангда қатнашиб, 1868 йил 23 октябрда Қарши шаҳрини босиб олдилар. Бу сафар амирлик ва рус аскарлари бир жабҳада бўлишди. Шахдода Бухорони тарқатишга мажбур эди: 1868 йил 22 декабрида Хивага боради. Бу ердан Қошғарга ва 1873 йили Хиндистонга кетди. 1909 йили Петербургда вафот этди (Barthold, II, 1, 3. 407. Togan, Bugiinkii, 232-6. Жўрабек ва Бобо-бек руслар ташвиқотида ўқиб, Худоёрхондан юз ўғириб, 1870 йилда Бухоро амирига таслим бўлдилар., Barthold, II. 1, 403-6; «Нихоят, руслар сиёсий қочоқларни қайтариб бериш одатини Ўрта Осиёга суқиб қиритдилар». Жўрабекнинг фавқуллоҳдаги имтиёзлари ҳақида қерағича маълумот Engene Schuyler, Turkistan, Edited. With an introduction by Geoffery. Wheeler, London, 1966. 45-46 саҳифаларида суратлари билан берилган.). Шаҳрисабз беги амирлик билан тузилган тинчлик битимини ўзига дахли йўқ, деб ҳисобларди. Қарши сафаридан таҳминан икки йил кейин руслар бу шаҳарни ҳам қўлга олдилар ва амирликка қўшиб бердилар. Бухоронинг мағлубиятидан сўнг бир қанча беклар (хукмдорлар) турли ерларда ўз мустақилликларини эълон қилишди. Булар орасида Қўлоб, Ҳисор ва Сурхондарё беклари бор эди. Булар русларнинг ёрдами билан 1869 йилда Бухоро ҳокимияти билан бирлашди-лар. Худди шундай Денов беги Абдулқарим додхо ҳам мустақиллик эълон қилган эди. Абрамов қўмондонлигидаги русларнинг юриши билан 1870 йилдан бери мустақил бўлган қичик-қичик бекликлар (Мастчоҳ Фалгар, Фон, Қиштут, Моҳиён) мустамлақа қилиниб, рус идорасига ўтишга мажбур бўлдилар. Ташки сиёсат таъсиридами ёки ҳар икки томондан ортиқча қон тўқилмаслиги учунми, ҳар ҳолда руслар амирликни тўлиқ босиб олишга журъат этмадилар.

Тинчлик битимидан сўнг Гузор, Қарши ва Шаҳрисабздан 3000 киши - уламо, шайх, талабалар - русларнинг мамлакатда ҳокимлик қилишга қарши урушни давом эттирмоқ учун қасам ичдилар. Қарманада амир Музаффарга илтимосларини топшира туриб: «Бизнинг раҳбаримиз бўлиб, динсизларга қарши чиқинг! Уруш майдонида кўз ўнгингизда ўлишга ҳозирмиз; ундан кейин хоҳлаган ишингизни қилинг! Агар йўлбошчимиз бўлишга рози бўлмасангиз, у ҳолда гайридинларга қарши қурашни олиб боришимиз учун лутфан бизга от ва ҳарбий ёрдам беринг. Шундагина бу ерда (саройда) қола оласиз ва яхши ҳаёт кечира оласиз!» деб орзуларини билдиришди (Barthold, II. 2, 404-405-бет.). Бу истакни амир рад этди. Русларнинг ёрдами билан ўз зурриёди Абдулмаликни қувишда давом этди. Балки Ру-сия учун ички низолар натижасида ночор ва заиф бўлиб қолган амирнинг ҳокимиятда қолиши Бухоронинг барча ерларини босиб олишдан қўра афзалроқдир. Рус раҳбарияти бевосита Амударёга чиқиб, инглизларни ҳаракатга қелтиришни истамасди. Ўша замонларда ҳам ислом дунёси мавжуд эди, фақат нима учундир овози чиқмасди: Туркия ташки Оврупонинг давлатлари орасида қучсиз эди ҳамда парчаланиб кетганди. Бухоро билан Русия орасида 1873 йилга қадар Бухоро ҳокимияти доирасида русларнинг назорат қилиш ҳуқуқини эътироф қиладиган ҳеч қандай битим йўқ эди. 1873 йилда Хива хонлигининг босиб олинишидан сўнг Русия Бухоро сиёсатида оид янги бир имкониятни қўлга қиритди: Хивадан Амударёга борадиган йўлни босиб олди. Бухоро билан Русия орасида рус кемаларининг Амударёда эркин юриши ҳақида ҳеч қандай шартнома йўқ эди. Бундан ташқари Самарқанд Бухорога ёки Русияга қарамлиги аниқланган ҳужжат ҳам йўқ эди. Самарқандни Русияга қарамлигини қатъийлаштириш фон

Кауфманнинг орзуси эди. У Ўрта Осиё тарихи ва дини нуктаи назаридан машхур марказий нуктаси бўлмиш Самаркандга ҳоким бўлиш Бухоро амирининг бу ердаги мусулмонлар орасидаги ғавқулдда обрўсини мутлақо тушириши ва Самаркандда - Зарафшонда тўгон қурилган тақдирда Бухоро шаҳри ниятда оғир вазиятга тушиши бу ҳокимият соясида шаҳарни тобе ҳолга олиб келади(Халфин. Политика, 232-6, dipnot 113.) деган фикрни илгари сурди. Русия раҳбарияти Самаркандни ўз давлатига қўшиб олиш замони келганига ишонч ҳосил қилди.

Русия 1873 йили Бухоро амирлигини янги бир битим тузишга мажбур қилди. 1873 йил 28 сентябрда икки давлат орасида 18 моддадан иборат янги бир шартно-ма имзоланди. Бухоро амирлигининг тағига сув қуйган бу шартномани амир Саид Музаффар Баходир ва Туркистон бош волиси фон Кауфман имзоладилар. Русия Самарканд ва унинг атрофи ўзига берилишини, Бухоро мустиқил ташки сийёсат юритмаслигини, Русия Бухорода савдо эркинлигининг ҳамма қўринишидан фойдаланишини ва бу ерда рус сийёсий комиссияси бўлишини Бухоро амирини қаттиктазийикостига олиб, мажбурлаб ўтказди(Бу сулҳнинг матни учун қаранг: Boulger, England and Russia and Central Asia. 383-38-6.). Шундай қилиб, Бухоро амирлиги Русия назорати остига олинди(Ўзбекистон тарихи, II, 2.96-6.). Амир Бухоронинг қичик чегараси ичидаги халққа ҳукмрон эди. Русия эса Туркистон бош волиси воясатида амирга ҳукм ўтказар эди. Бухоро 1873 йилдан 1918 йил мартагача, яъни Совет тузуми тарафидан мустиқиллиги тан олинмагунча 45 йил Русиянинг қўл остида қолди. Бу даврда амирлик давлат шаклида мавжуд бўлган бўлса ҳдм унинг сийёсатини Русия белгилаб бераар эди.

Др.Боймирза Хайитнинг
"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан